

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ГУЛЧЕХРА МАДАМИНЖАНОВНА

ИНГЛИЗ БАДИИЙ АДАБИЁТИ МАТНЛАРИДАГИ ПАРЕНТЕЗ
БИРЛИКЛАРНИНГ СИНТАКТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on philological
sciences**

Ибрагимова Гулчехра Мадаминжановна

Инглиз бадий адабиёти матнларидаги парентез бирликларнинг
синтактик-стилистик хусусиятлари..... 3

Ibragimova Gulcheckra Madaminjanovna

Syntactic and stylistic features of parenthetical units in English literary texts 27

Ибрагимова Гулчехра Мадаминжановна

Синтаксико-стилистические особенности парентетических единиц в текстах
английской художественной литературы..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ГУЛЧЕХРА МАДАМИНЖАНОВНА

ИНГЛИЗ БАДИИЙ АДАБИЁТИ МАТНЛАРИДАГИ ПАРЕНТЕЗ
БИРЛИКЛАРНИНГ СИНТАКТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Fil.1767.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Наманганского государственного университета (www.namdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Маматов Абди Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Досбаева Наргиза Тургунпулатовна
доктор филологических наук, доцент

Ашуров Шахобиддин Саидович
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» августа 2022 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD03/31.03.2021.Fil.76.05. по присуждению научных степеней доктора философских наук (Phd) по филологическим наукам при Наманганском государственном университете (Адрес: 160136, Наманган, ул. Уйчи, дом 316. Тел: (369) 227 01 44; факс: 0 (369) 227 04 45; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета, (зарегистрированный за № 1096). Адрес: 160136, Наманган, ул. Уйчи, дом 316. Тел: (369) 227 01 44.

Автореферат диссертации разослан «06» августа 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 6 от «06» августа 2022 года).




К. Сидиков

А.И.Зияев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол. н. (DSc), профессор

О.О.Дадабаев
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. ф. ф. н. (PhD), доцент

К.А.Сидиков
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, к. филол. н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида парентеза масаласи, унинг таржимадаги функционал характеристикаси ва прагматик хусусиятлари ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз тили материали асосида кенг доирада муҳокама марказидан ўрин эгаллаб келмоқда. Бугунги кунга келиб парентезанинг синтактик-стилистик томонлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар, жумладан инглиз бадиий адабиётининг турли жанрларида қўлланилувчи парентез бирликларнинг структурал-семантик, экспрессив ва коммуникатив хусусиятларининг тадқиқи кун тартибига қўйилмоқда. Шу боис тилнинг ўзига хос ҳодисаси сифатида парентезанинг синтактик-стилистик, экспрессив ва коммуникатив хусусиятлари устида жиддий иш олиб бориш амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида парентез бирликларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида янгидан-янги илмий-назарий фикрларнинг илгари сурилиши асносида бадиий адабиётнинг турли жанрларида қўлланилган парентезаларнинг ҳавола, делиберация, экземплификация, аниқлаштириш категорияларини тавсифлашда янгича қарашлар ва ҳулосалар пайдо бўлмоқда. Натижада парентез бирликларнинг бадиий адабиёт матнидаги структурал-семантик, синтактик-стилистик хусусиятлари ва коммуникатив-экспрессив вазифаларини ўрганишга доир илмий ва назарий қарашлар такомиллашуви кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инглиз бадиий адабиётида қўлланилган парентез бирликларни ифодаловчи вербал ва новербал воситаларнинг структур-семантик типлари, функционал-коммуникатив жиҳатлари таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш заруриятини туғдиради.

Юртимизда чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан қатор ислохотлар амалга оширилаётган экан, таълим тизими, қолаверса, тилшунослик олдига қўйилган вазифалар сирасида хорижий тилни бадиий матнлар ёрдамида ўргатиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, хусусан, бадиий адабиётда парентез бирликларнинг лингвистик хусусиятларини турли томонлама тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга. Зеро, “Биз ўз олдимизга ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш вазифасини қўйдик, бунга эса фан, маърифат ва инновацияларга таянган ҳолда фақат жадал ислохотлар ўтказиш орқали эришамиз”¹. Айнан шу нуқтаи назардан, замонавий тилшуносликда инсон тилига хос қатор ҳодисалар ва тил бирликлари, уларнинг таъсири ва таснифига бўлган янгича ёндашувлар муҳим ўрин олдики, натижада тилнинг умумий ва хусусий масалалари янгича тарзда, энг муҳими тўлақонли равишда ўз талқинини топмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан: “Бизнинг буюк ва доно халқимиз ўз тарихида шарафли саҳифаларни очишга кодир” // «Халқ сўзи» газетаси, 25.01.2020. №19 (7490).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда парентезанинг функционал, синтактик-стилистик, семантик-структур жиҳатлари, экспрессив вазифаси ва қиёсий тадқиқи масалалари юзасидан жаҳон ҳамда юртимиз тилшунослари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим илмий-назарий қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Европа ва АҚШ тилшуносларидан О.Есперсен, Ч.Фриз, Р.Якобсон, С.Гринбаум, Ж.Эмондс, Х.Хуот, С.Корум², рус олимларидан Л.В.Фадеева, Л.Л.Баранова, Е.Н.Козирева, О.В.Долгова (О.В.Александрова)³, ўзбек тилшуносларидан А.Р.Сайфуллаев, И.Тошалиев, Ғ.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Маматов, Д.Жамолиддинова⁴ каби олимлар парентеза доирасида изланиш олиб борганлар.

² Есперсен О. Философия грамматики. – М.: Издательство иностранной литературы, 1958. – 400 с. Перевод с английского В.В.Пассека и С.П.Сафроновой под редакцией и с предисловием проф. Б.А. Ильиша; Фриз Ч. «Школа» Блумфилда, пер. с англ., в кн.: «Новое в лингвистике», в. 4. – М.: 1965. – С. 246-283; Якобсон Р.О. Избранные работы. Перев. с англ., нем., фр. яз. – Москва: Прогресс, 1985. – 455 с; Greenbaum S. (1996): The Oxford English Grammar. Oxford University Press; Emonds J. (1974): Parenthetical Clause. In: Rohrer C. & Ruwet N. (eds.): Actes du Colloque Franco-Allemand de Grammaire Transformationnelle. I. Etudes de Syntaxe. Tubingen: Niemeyer (=Linguistische Arbeiten 13), 192205; Huot H. (1974): Les Relatives Parenthetique. In: Rohrer C. & Ruwet N. (eds.): Actes du Colloque Franco-Allemand de Grammaire Transformationnelle. I. Etudes de Syntaxe. Tubingen: Niemeyer (=Linguistische Arbeiten 13), 31-62; Corum C. (1975): A Pragmatic Analysis of Parenthetic Adjuncts. In: Chicago Linguistic Society, 133-141.

³ Фадеева Л.В. Парентеза в немецкой устной диалогической речи (на материале мангеймского корпуса): Автореф.дисс...канд. филол.наук. – Астрахань, 2005.– С. 3; Баранова Л.Л. Единство и взаимодействие устной и письменной форм научного изложения (на материале английского языка): Автореф. дисс... канд. филол.наук. – М., 1983. – 18 с; Козырева Е.Н. Когнитивные функции парентезы как отражение творческой индивидуальности писателя: Дисс...канд. филол.наук. – Тула, 2003. – 168 с; Долгова О.В. (Александрова О.В.) Формы и функции "парентетических внесений" в английской научной прозе: Автореф. дисс....канд. филол.наук. – М., 1976.– 19 с.

⁴ Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кириш бўлак. – Тошкент: Фан, 1972. – 76 б; Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – 124 б; Абдурахмонов Ғ. Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар. – Т.: ЎзФА, 1995. – Б. 21; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 149 б; Маматов А. Гапнинг

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тилшунослик ва инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз бадиий матнларида қўлланилган парентез бирликларнинг ифода ва мазмун плани, функционал ва категориал жиҳатлари ҳамда қўлланилиш доирасини очиб бериш орқали уларнинг синтактик-стилистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз бадиий адабиётида парентез бирликларнинг структурал-семантик турлари, гапдаги ўрни, қўлланиш миқдорини аниқлаш;

роман, пьеса, эсселарда қўлланилган ҳавола, делиберация, экземплификация, аниқлаштириш характеридаги парентез бирликларнинг функционал вазифаларини асослаб бериш;

инглиз бадиий адабиёти матнларида парентез бирликларнинг гапдаги синтактик-стилистик функцияларини аниқлаш;

инглиз бадиий адабиётида парентез бирликларнинг эмоционал-экспрессив, коммуникатив вазифалари ва просодик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз бадиий асарларида қўлланилган парентез бирликлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср инглиз ёзувчилари С.Моэм, О.Хаксли ва И.Во асарларидан олинган матнлар ва уларда қўлланилган парентез бирликларнинг лингвистик, структурал-семантик, функционал-стилистик ва экспрессив хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида матн таҳлили, тавсифий, трансформацион ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

инглиз бадиий адабиётида парентез бирликларнинг структурал жиҳатдан бир сўзли содда, ясама, қўшма, сўз бирикмали ва гапли, семантик тарафдан ишонч, тасдиқ, инкор маъноларни билдирувчи, тасвирий, ўхшатиш, турар-жойни изоҳлаш характеридаги, аббревиатура кўринишидаги, гапда келиш ўрнига қараб инициал, ўрта ва охириги позицияда қўлланилувчи, гапда қўлланиш миқдорига кўра монопарентез, полипарентез ҳамда киритмали конвергент турларига хос структур-семантик, функционал-стилистик жиҳатлар аниқланган;

роман, пьеса, эсселарда қўлланилган ҳавола, делиберация, экземплификация ва аниқлаштириш характеридаги парентез бирликларнинг бажарадиган вазифасига кўра муаллиф ва персонажнинг сўз юритилаётган

изоҳлама бўлаклари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987. – № 2. – Б. 24-30; Жамолиддинова Д.М. Бадиий нутқда парентез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопозитик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 133 б.

воқеа-ҳодисага қаҳр-ғазаби, қувончи, завқланиши, нафратланиши, кўрқинчи, афсусланиши, жасорати, ажабланиши, танбеҳини истехзо билан кўрсатиши, шунингдек, оҳанг, суръат, тембр, куч ва садоланиш давомийлиги муаллиф эмоциясини ифодалаш хусусиятлари асосланган;

инглиз бадий адабиёти матнларида парентез бирликларнинг инверсия, санаш, параллел конструкциялар каби синтактик-стилистик ифода воситалар сифатида вазифа бажариши аниқланган, ундов характердаги парентезалар кириш гапининг эквиваленти, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган гапнинг ажратилган кириш бўлаги сифатида синтактик вазифаларда келиши исботланган;

инглиз бадий адабиётида парентез бирликларнинг стилистик хусусиятлари уларнинг экспрессив вазифаларига кўра эмоционал-экспрессив хусусият касб этиб ижодкорнинг образлар тизими ва ғояларини ифодалаш учун хизмат қилиши, новербал воситалар орқали ифодаланган парентез бирликлар просодияда вербал воситаларга қўшимча изоҳ бериши, нутқ узилишини олдини олиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишда нафақат умумий тилшунослик, балки амалий ва назарий грамматика, стилистика фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ҳамда назарий ва амалий курсларда фойдаланиш нечоғлик муҳимлилиги аниқланган;

парентез бирликларнинг оғзаки нутқда просодик воситалар ва ёзма нутқда тиниш белгилари ёрдамида ажратилиши гапда “делибератив” ёки “информатив” мазмундаги оҳангдан фойдаланиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг методологик мукамаллиги, назарий маълумотларнинг илмий ва бадий матнлардан олинганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда олинган натижаларнинг хорижий мутахассислар ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, парентез бирликларнинг синтактик-стилистик хусусиятларига оид илмий хулосалар парентеза борасидаги умумий назарияни бойитиши, коммуникатив ва конструктив синтаксис ва назарий тилшунослик йўналишлари бўйича келажакда олиб бориладиган тадқиқотлар учун манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий** аҳамияти шундан иборатки, парентеза бўйича қўлга киритилган маълумотлар ва олинган хулосалардан «Назарий ва амалий грамматика», «Стилистика», «Ономастика» каби фанлар интеграцияси ва махсус курсларни ўқитишда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз бадий адабиётида парентез бирликларнинг синтактик-стилистик хусусиятлари тадқиқи асосида:

инглиз бадий адабиётида парентез бирликларнинг структурал жихатдан бир сўзли содда, ясама, кўшма, сўз бирикмали ва гапли; семантик тарафдан ишонч, тасдиқ, инкор маъноларни билдирувчи, тасвирий, ўхшатиш, турар-жойни изоҳлаш характеридаги, аббревиатура кўринишидаги, гапда келиш ўрнига қараб инициал, ўрта ва охириги позицияда қўлланилувчи; гапда қўлланиш миқдорига кўра монопарентез, полипарентез ҳамда киритмали конвергент турларига хос структур-семантик, функционал-стилистик жихатлари, роман, пьеса, эсселарда қўлланилган хавола, делиберация, экземплификация ва аниқлаштириш характеридаги парентез бирликларнинг бажарадиган вазифасига кўра муаллиф ва персонажнинг сўз юритилаётган воқеа-ҳодисага қаҳр-ғазаби, қувончи, завқланиши, нафратланиши, кўрқинчи, афсусланиши, жасорати, ажабланиши, танбеҳини истехзо билан кўрсатиши, шунингдек, оҳанг, суръат, тембр, куч ва садоланиш давомийлиги муаллиф эмоциясини ифодалаш хусусиятлари ҳақидаги таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан 2014-2015-йилларга мўлжалланган I-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 20 декабрдаги 3410/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа илмий далиллар билан бойитилди, хусусан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этишда парентез бирликларни лингвистик тадқиқот объекти сифатида олиниши муҳим аҳамият касб этган;

инглиз бадий адабиёти матнларида парентез бирликларнинг инверсия, санаш, параллел конструкциялар каби синтактик-стилистик ифода воситалар сифатида вазифа бажариши аниқланган, ундов характердаги парентезалар кириш гапининг эквиваленти, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган гапнинг ажратилган кириш бўлаги сифатида синтактик вазифаларда келиши ҳақида билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган қўлланмалар, мақолалар, тезислар ёзишда янги ёндашувлар сифатида тадқиқот ишидаги илмий хулосалардан Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус+дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-ERP-1-2015-UK-ERPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+ SBHEIMER: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” мавзусидаги лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 10 ноябрдаги 2845/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ичида тадқиқот ишини такомиллаштиришда, хусусан мазкур манбалар лойиҳа материалларини мукамаллаштирган ва талабаларнинг лингвистик компетенциясини оширган;

инглиз бадий адабиётида парентез бирликларнинг стилистик хусусиятлари уларнинг экспрессив вазифаларига кўра эмоционал-экспрессив хусусият касб этиб ижодкорнинг образлар тизими ва ғояларини ифодалаш учун хизмат қилиши, новербал воситалар орқали ифодаланган парентез

бирликлар просодияда вербал воситаларга қўшимча изоҳ бериши, нутқ узилишини олдини олиши тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДМ “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён”, “Жаҳон адабиёти” радиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 октябрдаги 04-25-1667-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар илмий ва амалий жиҳатдан бойиган, ижтимоий хусусиятлари ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари юзасидан 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 4 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 3 та, хорижий нашрларда 1 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Бадий асар матнида қўлланилган парентез бирликларнинг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида парентезанинг тилшунослар томонидан тадқиқи, структурал-семантик, морфологик жиҳатдан таснифи атрофлича ўрганиб чиқилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «*Тилшуносликда парентеза ҳодисасининг ўрганилиши тарихи*» деб номланиб, унда парентеза борасида европа, рус ва ўзбек тилшунос олимлари томонидан билдирилган қарашлар таҳлил қилинган, парентезанинг турли олимлар томонидан эътироф этилган структурал-семантик таснифи кўриб чиқилган.

Мазкур мавзу юзасидан кўплаб тилшунослар изланишлар олиб борганлар. Жумладан, ўзбек тилшуносларидан А.Р.Сайфуллаев⁵,

⁵ Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кириш бўлак. – Тошкент: Фан, 1972. – 76 б.

И.Тошалиев⁶, Ғ.Абдурахмонов⁷, Н.Махмудов, А.Нурмонов⁸, А.Маматов⁹, Д.Жамолиддинова¹⁰; рус тилшуносларидан Л.В.Фадеева¹¹, Л.Л.Баранова¹², Е.Н.Козирева¹³, О.В.Долгова (О.В.Александрова)¹⁴, О.А.Колихалова¹⁵, Т.Р.Котляр¹⁶, О.М.Лашкевич¹⁷, Д.В.Малявин¹⁸, Т.А.Михайлюк, В.Ф.Белова¹⁹, Э. П.Новоселецкая²⁰, Л.Н.Поликарпова²¹, А.В.Чупцова²² кабилар парентезанинг оғзаки ва ёзма нутқдаги хусусиятларини тадқиқ қилишган.

Герман тилшунослигида гапнинг ажратилган бўлаги ҳисобланмиш парентезанинг просодик хусусиятлари Д.Болинджер²³, А.Круттенден²⁴, Д.Кристал²⁵; Б.Гросс ва Ж.Хиршберг²⁶, Э.Кутик, В.Купер, С.Бойс²⁷, Д.О’Шонесси²⁸, А.Вихман²⁹ каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

⁶ Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – 124 б.

⁷ Абдурахмонов Ғ. Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар. – Т.: ЎзФА, 1995. – Б. 21.

⁸ Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: – Ўқитувчи, 1995. – 149 б.

⁹ Маматов А. Гапнинг изохлама бўлақлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987. – № 2. – Б. 24-30.

¹⁰ Жамолиддинова Д.М. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 133 б.

¹¹ Фадеева Л.В. Парантеза в немецкой устной диалогической речи (на материале мангеймского корпуса): Автореф.дисс....канд. филол.наук. – Астрахань, 2005. – С. 3.

¹² Баранова Л.Л. Единство и взаимодействие устной и письменной форм научного изложения (на материале английского языка): Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М., 1983. – 18 с.

¹³ Козырева Е.Н. Когнитивные функции парантезы как отражение творческой индивидуальности писателя: Дисс....канд. филол.наук. – Тула, 2003. – 168 с.

¹⁴ Долгова О.В. (Александрова О.В.) Формы и функции "парантетических внесений" в английской научной прозе: Автореф. дисс....канд.филол.наук. – М., 1976. – 19 с.

¹⁵ Коляхалова О.А. Функциональные свойства вводных предикативных единиц в современном английском языке: Автореф. дисс....канд.филол.наук. – М., 1983. – 21 с.

¹⁶ Котляр Т.Р. Вставочные конструкции в современном английском языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М., 1962. – 36 с.

¹⁷ Лашкевич О.М. Роль вводных слов и словосочетаний в выражении модальности текста: Дисс....канд. филол. наук. – М., 1984. – 175 с.

¹⁸ Малявин Д.В. Вводные элементы и вставки в составе предложения в современном английском языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Запорожье, 1963. – 18с.

¹⁹ Михайлюк Т.А., Белова В.Ф. Смысло порождение через парантезу в немецком и русском языках. ФГБОУ ВО «Пятигорский государственный университет». Журнал: Приоритетные направления развития науки и образования. Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Центр научного сотрудничества "Интерактив плюс" (Чебоксары). №4 (7). ISSN: 2411-9652. 2015. – С. 251-252.

²⁰ Новоселецкая Э. П. Эволюция функционирования вставных конструкций в английских научных текстах XVIII-XX веков. – Пермь, 1993. – 112 с.

²¹ Поликарпова Л.Н. Комментарийная парантеза как единица композиционного синтаксиса (на материале английского языка). Дисс...канд.филол.наук. – Барнаул, 2011. – 193 с.

²² Чупцова А.В. Функции парантезы в оригинале и переводе (на материале произведений У.Фолкнера и их переводов на русский язык). Журнал: Иностранные языки и языкознание. Санкт-Петербургский государственный университет, 2019. <http://www.allbest.ru/>

²³ Bolinger D. Intonation and Its Uses: Melody in Grammar and Discourse. Stanford, California: Stanford University Press. 1989. – P. 186.

²⁴ Cruttenden A. Intonation. – New York: Cambridge University Press, 1997.

²⁵ Crystal D. Prosodic systems and intonation in English. – New York: Cambridge University Press, 1960.

²⁶ Grosz B., & Hirschberg, J. (1992). Some intonational characteristics of discourse structure. Proceedings of the International Conference on Spoken Language Processing (ICSLP) 92, 429-432.

²⁷ Kutik E, Cooper W.E., & Boyce S. (1983). Declination of fundamental frequency in speakers' production of parenthetical and main clauses. Journal of the Acoustical Society of America, 73, 1731-1738.

²⁸ O’Shaughnessy, D. (1990). Relationship between syntax and prosody for speech synthesis. Proceedings of the European Speech Communication Association (ESCA) Tutorial on Speech Synthesis (AUTRANS, France), 39-42.

²⁹ Wichmann A. (2000). Intonation in text and discourse: Beginnings, middles and ends. Harlow, England: Pearson Education Limited.

Ўзбек тилидаги киритма конструкциялар бўйича И.Тошалиев³⁰ “Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар” номли монографиясида 1) киритма конструкцияларнинг алоҳида синтактик категория эканлигини тасвирлаш - умумий характеристикасини бериш; 2) киритма конструкцияларнинг асосий гап бўлаклари ва қисмларига нисбатан синтактик-семантик муносабатини белгилаш; 3) киритма конструкцияларнинг тузилиши ва қўлланишига кўра асосий структур типлари ҳамда функционал-семантик турларини анализ қилиш каби масалаларни ёритган.

Тилшунос олим И.Тошалиев ўзбек тилидаги киритмаларни семантик жиҳатдан ҳам бир неча гуруҳларга ажратади. Биз таҳлил қилган инглиз роман, пьеса ва эсселарида эса олимнинг таснифидан четда қолган тасвирий, ўхшатиш, турар-жойни изоҳлаш характеридаги, аббревиатура кўринишидаги парентез бирликлар аниқланиб, мисоллар ёрдамида исботланди.

Д.М.Жамолиддинова³¹ ўзининг “Бадий нутқда парентез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари” номли монографиясида парентез бирликларни лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этган. Олима парентез конструкцияларнинг икки функционал типини, яъни субъектив-модал (кириш) ва объектив-изоҳловчи (киритма) типларини ажратади. Бу икки турдаги парентезани фарқларни мисоллар ёрдамида ёрқин кўрсатиб берган.³² Олима парентетик киритмаларни структурал жиҳатдан эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол билан бевосита алоқаланган турларга бўлади.

Биз таҳлилга тортган инглиз тили материалларида парентез бирликларни структурал жиҳатдан сўз, отлашган олмош, сўз бирикмаси, сифатдошли бирикма, ҳолат ҳоли вазифасидаги герундий, содда ва қўшма гап, пайт, шарт эргаш гапи, йил кўрсаткичи, бошқа тил воситаси орқали ифодаланган, таъкидловчи парентез, қиёс, тарз ҳоли, тарз ҳолини кучайтирувчи, қўшма от кесимнинг от қисми, эга ва кесим инверсияси кўринишларидаги парентетик бирликларнинг уюшиқ эга, тўлдирувчи, уюшиқ тўлдирувчи, аниқловчи ва кесим билан муносабатга киришувчи бошқа турлари ҳам борлигини аниқладик.

Ўзбек тили грамматикаси китобида киритмаларни гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун ифодага бўлган сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал туйғуларини³³, кириш гаплар эса гапнинг бирор бўлаги ёки умумий мазмунига бўлган сўзловчининг муносабатини ифодалайди, дейилади.³⁴

Биз эса кириш ва киритмаларга тилшунослар томонидан берилган таърифларга таяниб “киритма – бу тил ҳодисаси саналади, чунки у бир

³⁰ Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – 124 б.

³¹ Жамолиддинова Д.М. Бадий нутқда парентез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 133 б.

³² Жамолиддинова Д.М. Кўрсатилган манба. – Б. 51.

³³ Ўзбек тили грамматикаси. II томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 270.

³⁴ Ўзбек тили грамматикаси. Кўрсатилган манба. – Б. 283.

қолипга солинган кундалик мулоқотда қўлланилувчи лексик-фразеологик элементлардан ташкил топган, кириш эса нутқ ҳодисаси бўлиб улар бир қолипга солинмаган ва кундалик мулоқотда кўп қўлланилавермайдиган тил бирликларидир”, дея ўзимизнинг ишчи таърифимизни киритдик.

Бобнинг «Тилшуносликда парентез бирликлар таснифи» деб номланган иккинчи фаслида матнда киритмаларнинг тез-тез такрорланиш кўрсаткичлари бўйича алоҳида кўринишларга эга эканлиги, тузилиши, кўп қўлланилиш даражасига кўра учта тури, гапнинг қайсидир ўрнида келишига қараб учта позицион турга ажратилиши, синтактик вазибалари ҳақида сўз юритилади.

Парентеза семантик жиҳатдан дунё тилшунослари томонидан турлича таснифланади. Масалан, тилшунос Л.Н.Поликарпова инглиз тилидаги изоҳ парентезанинг семантик майдони бир неча сегментлар билан тузилган бўлиб **surely/definitely/undoubtedly; surprisingly/regretfully/naturally** кабилар тахминни эпистемик ва аксиологик баҳолашнинг микромайдонларининг градуал чегарасини белгилашини, **firstly, finally, logically, as a result** каби парентетик бирликлар пайдо бўлаётган фикрни ривожини ва унинг рўёбга чиқиш мантиғини, **after all, in general, on the other hand** фикр тугаётганлигини, **so to speak, that is to say** экспликация усулини, **to tell the truth, to be honest** кабилар суҳбатдаги ишонччи англатишини кўрсатади.³⁵

Парентезани тузилишига кўра бир сўзли содда, қўшма, ясама, сўз бирикма ва гапли; гапда келиш ўрнига қараб инициал, ўрта ва финал позицияда келувчиларга; гапда қўлланиш миқдорига кўра монопарентез, полипарентез ва киритмали конвергент; морфологик жиҳатдан от, равиш, олмош ва феълли³⁶; тиниш белгилари билан ажратилишига кўра вергулли, чизикчали, қавсли, икки нуқтали, нуқта вергулли; матнда бажарадиган вазибасига кўра қўшимча ва тушунтириш, муаллиф танбеҳини истехзо билан кўрсатиш, муаллиф эмоциясини ифодалаш³⁷; концептуал-семантик жиҳатдан ижобий (*хурсандчилик, қизиқиш, розилик, башиорат, аҳамиятли*) ва салбий маънода (*шубҳа, ишончсизлик, ҳайратланиш, умидсизлик, афсусланиш, норозилик, қоралаш, қайғу, киноя, сарказм*)ги³⁸ турларга ажратиш мумкин. Шуниндек, парентезани семантик жиҳатдан ишонч ва тасдиқни ифодаловчи (*шубҳасиз, албатта, маълумки, дарҳақиқат, ҳақиқатан, сўзсиз*), гумонни билдирувчи (*балки, тахминча, чамаси, мумкин, эҳтимол, шекилли*), тасдиқ

³⁵ Поликарпова Л.Н. Комментарийная парентеза как единица композиционного синтаксиса (на материале английского языка). Дисс...канд.филол.наук. – Барнаул, 2011. – 193 с.

³⁶ Шишкина И.С. Структурно-семантические особенности парентетических конструкций (на материале современной английской художественной литературы) / Шишкина И.С., Миронина А.Ю. // Научный диалог. – 2019. – № 9. – С. 164. – DOI: 10.24224/2227-1295-2019-9-159-172.

³⁷ Кулинич М.А., Фадеева А.И. Парентетические конструкции в оригинале и переводе (на материале англоязычной научно-популярной литературы). ЧОУ ВО «Международный институт рынка», г. Самара, Россия, 2017. – С. 129.

³⁸ Керимзаде Неджат М.К. Эмотивная адвербиальная парентеза в англоязычном газетно-публицистическом дискурсе. Вестник Московского государственного лингвистического университета, 2013 Vol. 1; Iss. 18 (678). – С. 89.

ёки инкорни билдирувчи (*ха, йўқ, тўғри, майли*) каби гуруҳларга ҳам ажратиш мумкин.

Киритмалар структурал жиҳатдан тилшунослар томонидан турлича таснифланади. Жумладан, М.А.Кулинич ва А.И.Фадеевалар уларни 1) бир сўзли (*again, however, doubtless*); 2) сўз бирикмали (*after all, at any rate*); 3) гап кўринишидаги (*he said, he will observe, I believe*) киритмалар каби уч гуруҳга ажратадилар³⁹.

Бизнинг фикримизча, бир сўзли киритмаларни яна содда, ясама ва кўшма каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Негаки, **however, anyway** кабилар икки сўздан, **doubtless** эса **ўзак+кўшимча**дан ташкил топган. Лекин шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, юқоридаги киритмаларни икки сўз (*any+way, how+ever*) ва ўзак+кўшимча (*doubt+less*)га ажратсак, улар киритмалик хусусиятини йўқотади. Шундан келиб чиқиб, уларни бир сўзли киритмалар дейиш мақсадга мувофиқ.

Гап кўринишидаги киритмаларни эга эргаш гапли кўшма гапларда қўлланилишига кўра а) аниқлик, б) хоҳиш-истак майлларидagi эга вазифасида келувчи турларга ҳам ажратиш мумкин. Айрим адабиётларда⁴⁰ эга эргаш гап баъзан кесимдан кейин келиши айтилади ва бунда **it** киритма сифатида қўлланади.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда эга эргаш гап шаклидаги киритмаларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

1. Бу турдаги эга эргаш гап киритма сифатида келганда **It+be+adjective+that+S+do (be done)/should do (should be done)** формуласида келади ва киритма гап тиниш белгилари билан ажратилмайди:

It is strange that he say nothing.

2. Иккинчи тури **It+be+PII+that+S+Predicate** кўринишида келади:

It is said that he is a doctor.

Юқоридаги икки турдаги киритма гапли бирикмадаги кесимдан кейин келаётган эгани гап бошига олиб ўтилса, гаплар структурасидаги киритмалар ўз хусусиятини ўзгартиради ва от кесим вазифасини бажаради.

Қиёсланг: *That he say nothing is strange → That he is a doctor is said.*

Инглиз тилида **for-to-Infinitive** конструкцияси гапда эга вазифасида келганда у кесимдан кейин келиб, кесимни эгаси сифатида формал **it** киритмаси қўлланади:

I sometimes think it is difficult for John to work at hospital.

Шуни алоҳида айтиш керакки, **I sometimes think it is difficult for John to work at hospital** гапидаги **it** киритма эгани тушириб қолдирсак, гап **for John to work at hospital is difficult** ёки **to work at hospital is difficult for John** кўринишларида бўлади. Лекин иккинчи трансформация қилинган гапда **for-**

³⁹ Кулинич М.А., Фадеева А.И. Парентетические конструкции в оригинале и переводе (на материале англоязычной научно-популярной литературы). ЧОУ ВО «Международный институт рынка», г. Самара, Россия, 2017. – С. 131.

⁴⁰ G'apurov M., Qosimova R. Ingliz tili grammatikasi. – Toshkent: Turon-Iqbol, 2010. – B. 298.

to-Infinitive конструкциялик хусусиятини йўқотиб инфинитив оддий эга вазифасига ўтади. **It** киритма эга вазифасида келганда таржима қилинмайди.

Киритмаларнинг морфологик хусусиятларига тўхталсак, улар И.С.Шишкина томонидан от, олмош, равиш ва феълли гуруҳларга ажратилади⁴¹. Ушбу турлардан ташқари биз инглиз тилидаги киритмаларни морфологик жиҳатдан сонли, сифатли турларга ҳам ажратдик.

Тилшунос олим Ғ.М.Хошимов гап бўлақларига икки хил ёндашиш мумкинлигини айтиб, иккинчи ёндашув бўйича бир ва икки бош бўлақлари қаторида гапнинг ажратилган бўлақларининг мавжудлигини, ажратилган бўлақларга парентеза ва ундалмаларни киритади:⁴²

1. *Frankly speaking, I don't know it.* (parenthesis)
2. *To cut a long story short, I am not ready for life.* (parenthesis)
3. *Jack, are you in?* (direct address)
4. *Nick, why are you here?* (direct address)

Киритма конструкцияларнинг бир бутун гап структурасига киритилиш ўринларини кўрсатишга оид баъзи фикрлар мавжуд бўлса ҳам уларнинг ўзлари алоқадор гап бўлагига нисбатан ўрни ва позицияси масаласи аниқ белгиланмаган⁴³. Бинобарин, киритмаларнинг гапдаги ўрнини белгилашда уларнинг бир бутун гап структурасига киритилиш тартиби ҳамда ўзлари бевосита алоқадор гап бўлагига нисбатан тутган позициясини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Диссертациянинг «**Инглиз бадий адабиётининг турли жанрларида парентез бирликларнинг структурал-семантик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида инглиз романлари, пьесалари ва эсселарида қўлланилган парентетик бирликларнинг структур-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг «*Инглиз романларида парентез бирликларнинг структурал-семантик хусусиятлари*» деб номланган биринчи фаслида инглиз романларда қўлланилган парентетик воситаларни тузилиши ва мазмуний жиҳатдан таснифи, романларда қўлланилган парентезанинг ҳавола, экземплификация, делиберация ва аниқлаш категориялари орқали ифодаланишидаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Инглиз романларида аниқлаштириш характердаги парентетик киритмаларнинг а) соф аниқловчи, б) муаллиф ва персонажларнинг сўз юритилаётган ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи модал, в) тасвирий аниқловчи парентеза, г) ўхшатиш, д) аббревиатура кўринишидаги, е) турар-жойни изоҳловчи, ё) номлар ҳақида кўшимча маълумот бериш маъносидаги семантик турлари билан ифодаланади.

⁴¹ Шишкина И.С. Структурно-семантические особенности парентетических конструкций (на материале современной английской художественной литературы) / Шишкина И.С., Миронина А.Ю. // Научный диалог. – 2019. – № 9. – С. 164. – DOI: 10.24224/2227-1295-2019-9-159-172.

⁴² Hoshimov G.M. Lectures on the theory of Modern English grammar. Andizhan, 2008. – P. 117.

⁴³ Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 109.

Инглиз драматургик асарларида парентез бирликлар структурал жихатдан 1) бир сўзли, 2) сўз бирикмаси кўринишидаги энг кўп қўлланилувчи предлогли, 3) парентез киритма гаплар, 4) шакли бўйича эргашган гап кўринишидаги **although, and, as, as far as, but, by way of, except, in spite of, since, though, whatever** боғловчиларини ўз ичига олган, 5) (a), (b) кўринишида **firstly, secondly** каби киритмаларни ифодаловчи турларга бўлинади.

Инглиз романларида, хусусан С.Моэмнинг “Cakes and Ale: or the Skeleton in the Cupboard”⁴⁴, О.Хакслининг “Crom Yellow”⁴⁵ асарларида қўлланилган парентетик киритмаларни семантик жихатдан таснифлаганимизда уларни 1) гап бошланиши ёки тугаши маъноларини ифодаловчи: **at first, firstly, finally, at last, in the end**, 2) айтилаётган фикрни баҳолаш: **of course, out of question, really, shortly, frankly**, 3) сўзловчининг содир бўлаётган воқеа-ходисага нисбатан эмоционал муносабатини билдирувчи: а) гумон: **perhaps, may be, it seems, I think, I suppose**, б) хурсандчилик маъносини ифодаловчи: **fortunately, to our luck, luckily**, в) **I hope, hopefully, optimistically, full of hope** каби орзу-умидни ифодаловчи, г) ишончни билдирувчи: **no doubt, doubtless, undoubtedly**, д) афсус, ачиниш маъносини ифодаловчи: **unfortunately, regrettably, sadly**, е) хайрат маъносидаги: **wonderfully, admirably, excellently**, 4) фикр манбасини кўрсатувчи: **they say, it is said that, point of view**, 5) **on the other hand, in a word, briefly, to be brief, in short** каби фикрни ифодалаш усулига муносабат билдирувчи, б) одатда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни ифодаловчи: **usually, as usual, as a rule, normally, generally, habitually**, 7) сўзловчининг айтаётган фикрига тингловчи диққатини жалб қилиш учун қўлланилувчи: **listen, think, as you see, as you think**, 8) бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни эслашга қаратилган: **I (he, you, we) remember, used to, would, as I could remember** кабиларга ажратиш мумкин.

Бобнинг «*Инглиз пьесаларида қўлланилган парентез бирликларнинг структурал-семантик типлари*» деб номланган иккинчи фасли пьесалардаги парентез бирликларнинг структур хамда семантик таҳлилига бағишланади.

Инглиз пьесаларида ҳам структур жихатдан 1) бир сўзли, 2) бир неча сўздан иборат, 3) киритма-гаплар, 4) **however, though** боғловчили эргаш гаплар қолипидаги, 5) қахрамоннинг ҳаракат-ҳолатини ифодаловчи сўз бирикмали ва гап кўринишидаги, 6) иш-ҳаракатни тўхтаганлигини ифодаловчи бир сўзли, 7) қахрамоннинг кимгадир мурожаатини ифодалагандан кейинги ҳолатини кўрсатувчи бир сўзли парентезалар; семантик жихатдан эса 1) гап бошланиши ёки тугаши маъноларини ифодаловчи: **at first, finally, at last, in the end**, 2) айтилаётган фикрни баҳолаш: **of course, really, shortly, frankly**, 3) сўзловчининг содир бўлаётган воқеа-ходисага нисбатан эмоционал муносабатини билдирувчи а) гумон: **perhaps, I think, I suppose**, б) хурсандчилик маъносидаги **fortunately, luckily, happily**, в) **I hope, I dream** каби орзу-умидни ифодаловчи, г) ишончни билдирувчи: **undoubtedly, clearly, plainly, obviously**, д) афсусланиш, ачиниш маъносини

⁴⁴ Maugham W.S. Cakes and Ale: or the Skeleton in the Cupboard. – М.: Progress Publishers, 1980. – 228 p.

⁴⁵ Huxley A. Crom Yellow. – М.: Progress Publishers, 1979. – 119 p.

ифодаловчи: **unfortunately, I wish, but for him**, е) хайрат маъносидаги: **oh, ah, well**, ё) кимнидир бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга нисбатан кўнглини кўтариш маъносидаги: **Ah, well**, ж) маълум бир ноқулай вазиятдан сўнг ўзига келиш ҳолатини ифодаловчи: **cheerfulness, sprightly**, з) тахмин маъносини билдирувчи: **I presume, I suppose**, 4) фикр манбасини кўрсатувчи: **they say, point of view, I dare say**, 5) **on the other hand, in short, to cut a long story short, to sum up** каби фикрни ифодалаш усулига муносабат билдирувчи: 6) одатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи парентетик киритмалар: **generally, habitually, in general, mostly**, 7) **listen, think, you see, as you think** шаклларидаги тингловчи диққатини жалб этиш учун қўлланилувчи, 8) **I (he, you, we) remember, would, as I could remember** кўринишидаги бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни эслашга қаратилган парентетик киритмаларга бўлинади.

Роман ва сахна асарларидаги парентезаларни сифат ва миқдор жиҳатдан қўлланиш даражасини солиштириш бир қатор фарқларни кўрсатади. Масалан, сахна асарларида қўлланувчи парентезалар доим бир хиллик касб этади. Сахна асарларида киритма сўз ва гаплардан фойдаланиш унчалик хос эмас, лекин романларда улар кенг қўламда қўлланилиши мумкин. Драматик асарларда эса муаллифлар киритмалардан камроқ фойдаланишни афзал кўрадилар. Кўпинча романларда ёзувчилар томонидан бир ёки бир неча гапларда киритмалардан кетма-кет фойдаланилади.

Драматик асарларда қўлланилган парентетик воситаларнинг характерли хусусиятлари уларнинг мазмунини ҳавола, мисоллар орқали тушунтириш (экземплификация), муҳокама қилиш (делиберация) ва аниқлик киритиш семантик категориялари тизими ёрдамида ўрганишда аниқланади.

Бу жиҳатдан муҳокама қилиш (делиберация) категорияси энг эътиборлиси ҳисобланади. Бу категориянинг драматик асарлардаги қўлланиш миқдори устунликка эга. Айни пайтда ушбу категориянинг сифат жиҳати кўриб чиқиладиган жанрларда хилма-хилдир. Бу шу билан боғлиқки, сахна асарларида умуман парентетик воситаларнинг, хусусан делибератив киритмаларнинг асосий қисмини ундов характеригаги **again, ah, alas, by George, by God, by jove, damn it all, for God's sake, God knows, good God, good Heavens, good Lord, hell, my God, my word** каби парентезалар ташкил қилади.

Санаб ўтилган парентезалар персонажлар нутқининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай турдаги киритмалар гапнинг ритми ва мелодикасига таъсир кўрсатади ва унинг мазмунига маълум даражада маъно нозикликларини бағишлайди.

Энг характерли ҳолларни кўриб чиқамиз:

It's very difficult for people to be with me long without realising that — well, that I'm not just the man in the street. (W.S.Maugham. The collected Plays, 37)

Кўп нуқта ва вергул билан ажратилган “**well**” парентетик киритмаси сўзловчининг керакли сўзни қидириб топиш учун иккиланаётганини кўрсатапти.

Bill. But Hugo prefers his rooms in Frinity. Well, well, there's no accounting for tastes. Particularly perverted tastes. Because, you know, he really hates being at Cambridge. (W.S.Maugham, 16)

Ушбу мисолда икки марта қўлланилган “**well, well**” гапда камситиш, “**you know**” эса тингловчини суҳбатга чорлаш характерига эгадир.

Экземплификация характердаги киритмалар ҳам драматургик асарларда жуда кам учрайди. Айрим пьесаларда парентетик киритмалар, умуман, қўлланилмаслиги мумкин. Пьесаларда қўлланилувчи киритмаларнинг ҳақиқий экземплификатив вазифада қўлланилишига мисолларга кам ҳолларда дуч келамиз:

But he appears to have, for instance, that we think right here and they think wrong in India. (W.S.Maugham. Selected Plays, 172)

Кўп ҳолларда “**for example**”, “**say**”, “**for instance**” иборалари делиберация вазифасида қўлланилади.

Ҳавола ва экземплификация категорияларининг роман ва пьесалар учун хос эмаслиги бадиий адабиёт функционал услуби характеристикасининг умумий жиҳати сифатида намоён бўлади.

Ундов характердаги киритмалар ва киритма-паразитлар С.Моэм ва О.Хаксли асарларида ҳар доим икки томондан вергул билан ажратилади. Бироқ О.Хакслида персонажнинг эмоционал ҳолатини акс эттирадиган бундай турдаги парентезаларни ажратишнинг бошқача ҳоллари, яъни икки томонлама уч нуқта билан ажратилиши ҳам учрайди:

But he appears to have practised in London while he was...while he was...well, in a word, alive. (A.Huxley, 65)

Делибератив киритмалар **certainly, however, indeed, of course, perhaps**, шунингдек, **I suppose, I think** ва ҳ.к. айрим ҳолларда тиниш белгилари билан ажратилади, баъзан эса тиниш белгилари ишлатилмайди:

Of course the moment he said he'd give her a black eye I knew it was finished. (W.S.Maugham. Selected Plays, 261)

Делибератив характердаги **after all, as a matter of fact, all the same, in fact** каби киритмалар эса гапнинг бошқа бўлақларидан ҳар доим ажратилади.

Аниқлаштириш характердаги киритмалар драматургик асарларда асосий гапдан тире, баъзан кўш вергуллар ёрдамида ажратилади, лекин уларнинг гапнинг бошқа бўлақларидан қавс билан ажратилиши кузатилмайди. Бу эса пьеса ва романлардаги парентетик киритмаларни пунктуацион ажратишнинг энг ёрқин фарқли белгиси бўлиб, қавслар пьесаларда актёрлардаги ҳаракат, имо-ишора ёки юз ифодасини билдиради. Баъзан қавс ичида персонажнинг қисқача характеристикаси берилганда, одатда, бу сўзлар курсив билан ажратилади.

Парентетик киритмалар орасида “**for example**”, “**for instance**”, “**say**” кабилар гапнинг бошқа қисмидан ҳар доим вергул билан ажратилади.

Иккинчи бобнинг «*Эсселарда қўлланилган парентез бирликларнинг формал ва семантик хусусиятлари*» номли учинчи фаслида эсседаги

киритмаларнинг структурал ва семантик жиҳатдан турлари, парентетик киритмаларнинг мазмунини ҳавола, экземплификация, делиберация ва аниқлаштириш категориялари орқали ифодаланиши, пунктуациянинг қўлланилиши каби масалалар кўрилган.

Роман ва пьесалардаги каби эсседаги киритмалар ҳам структурал жиҳатдан а) бир сўзли, б) сўз бирикмали, в) гап кўринишидаги, г) эргаш гап шаклидаги **as, despite, if, however, while, though** кабилар билан боғланувчи, семантик жиҳатдан эса 1) гап тугаши маъносини ифодаловчи, 2) айтилаётган фикрни баҳолаш, 3) сўзловчининг содир бўлаётган воқеа-ҳодисага нисбатан эмоционал муносабатини билдирувчи а) гумон, б) хафагарчилик, в) орзу-умид, г) ишонч, д) афсусланиш, ачиниш, е) хайрат, ё) кимнидир бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга нисбатан кўнглини кўтариш, ж) маълум бир ноқулай вазиятдан сўнг ўзига келиш ҳолати, з) тахмин каби маъноларни ифодаловчи, 4) фикр манбаси кўрсатувчи, 5) фикрни ифодалаш усулига муносабат билдирувчи, 6) одатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи, 7) тингловчи диққатини жалб этиш учун қўлланилувчи, 8) бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни эслашга қаратилган парентетик киритмаларга бўлинади.

Эсселарда парентетик киритмалар роман ва пьесаларга қараганда кўп қўлланилади, лекин эсседа ҳавола категориясини ифодаловчи парентезалар роман ва пьесаларга нисбатан кам ишлатилади.

Олиб борилган таҳлил ҳавола киритмаларининг эсселардаги фарқ қилувчи хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Масалан, **too, as, well, then** типдаги парентетик киритмалар роман, пьеса ва илмий матнларда тез-тез қўлланилиб, бироқ эсседа, деярли, қўлланмаслиги мумкин. Эсседа воқеа-ҳодисаларнинг вақти ва санасини кўрсатувчи киритмалар кам учрайди, роман ва пьесалар учун эса бу мазмундаги киритмалар хосдир.

Эсседа қўлланилган экземплификация характердаги парентезалар вазифаси ва қўлланилиш даражаси бўйича роман ва пьесалардагилардан фарқ қилмайди. Эсседа структурал жиҳатдан **say, for instance, for example** шаклидаги киритмалари билан бир қаторда сўз бирикмали ва гап кўринишидаги киритмалар ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

Many early photographers, among them the herald of the 'photograph Titians' quoted above, were unsuccessful painters. (E. Waugh, 38)

Роман ва пьесалардан фарқли равишда, эсседа ундалма характердаги делибератив киритмалар ҳамда парентеза-паразитлар, деярли, учрамайди. Бу муаллиф баёни анча расмий, ишчан характерга эга эканлигидан далолат беради. Муаллифнинг туйғулари, эмоциялари, кайфияти роман ва пьесаларга қараганда анча-мунча тийилганроқ ва кўпроқ хушмуомалали шаклда ифода қилинади. Ундан ташқари, эссе учун диалогик нутқ хос эмас, унда юқорида кўрсатилганидек, ундов характердаги киритмалар ва киритма-паразитлар кўп қўлланади.

Эсседа ҳам худди романлардаги каби аниқлаштириш категорияси парентетик киритмаларининг қуйидаги барча типлари қўлланилади:

а) аниқлаштириш хусусиятига эга парентезалар:

Not everyone in 1923, not I for one, knew without recourse to the dictionary that a 'hey' or 'hay' was a country jig. (E. Waugh, 389)

б) муаллифнинг тасвирланаётган ҳодисаларга муносабатини кўрсатувчи киритмалар:

